



Азонни эшитасанми?» деб сўрадилар. У: «Ҳа», деган эди, У зот: «Унга жавоб бер», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир кўр киши келиб: «Расулуллоҳ, мени масжидга етаклаб борадиган киши йўқ», деди ва уйда намоз ўқишга рухсат беришларини сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга рухсат бердилар. У ортига бурилгач, уни чорладилар ва: «Азонни эшитасанми?» деб сўрадилар. У: «Ҳа», деган эди, У зот: «Унга жавоб бер», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жамоатга келмасликка рухсат олиш учун бир кўр киши келиб: «Эй Расулуллоҳ, беш вақт намозда мени қўлимдан тутиб масжидга олиб келадиган киши йўқ», – деди. Унга рухсат бердилар. Қайтаётганда чақирдиларда: «Намоз азонини эшитасанми», – дедилар. У: «Ҳа», – деди. Шунда У зот: «Унда унга жавоб бер! (яъни кел)», дедилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/11287>

النّجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

